



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

М. Ваисова

“12” 06.04.2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олишчун

**ТАНЛОВ**

**ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгибозор -2022**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Наршар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**  
**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚЙМАТИ**

Танлов предмети: **Ширма медицинская, стерильный стол, стеллаж дори дармон учун, стеллаж руйхатхонаси учун, шкаф комбинированныйлари етказиб бериш.**

- 1.1. Танлов охириги қиймати 99 800 000 (Туксон туккиз миллион саккиз юз минг) сум . Ушбу қийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.2. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.  
**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.3. Товарларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 календар кун.
- 1.4. Товарларни етказиб бериш муддати - шартнома ғазначилик булимидан руйхатдан утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. **“Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили:, Хоразм вилояти Янгибозор тумани
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасндан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги уз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар, танлов объектида уз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоздан кам булмаган ҳолда); Низом маблаг микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бнрига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қием, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахе имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; • Техник ҳужжатлар руйхати брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар булиши шарт ;
- 4.5. Танлов иштирокчиси: -фақат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш. ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

**5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

**6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар қиритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар қиритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар қиритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин қелиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров қелиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади